


Маҳфузә Йўлдошева

# КЎЗИНГДА ҚУЁШ БОР


Шеърлар



«Фарғона» нашриёти

84(55) 6-5

АЛШАНГИ  
КАФЕ



HO 35069  
0

© М.Йўлдошева, «Фарғона» нашриёти

## НОН

Нондир бебаҳо неъмат,  
Ёқади кекса-ёшга.  
Бувижоним ёпган нон  
Ўхшаб кетар қўёшга.

Ўзи хушбўйдир бирам,  
Ҳидласанг тўйдиради.  
Бир тишлаб олай десанг,  
Тилингни қуидиради.

Бувим мени эркалаг  
Гули-гунчам дейдилар.  
Завқдан қизарса юзим,  
Ширмон кулчам дейдилар.

Бувинг бўлса қандай соз,  
Эркалайди, суяди.  
Нон ёпса энг яхвисин  
Сенга олиб қўяди.

Ўйин қочиб кетмайди,  
Кел, ёнимга, ўртоқжон.  
Бизни кутягти ахир  
Бувим ёпган иссиқ нон.

\*\*\*

Исмингни Қувонч деб қўйсам бўларкан,  
Борлигинг толега йўйсам бўларкан.  
Сендай ширин бахтни беришин билсан,  
Ўйнасан бўларкан, кулсан бўларкан.

Юз-кўзин ўзимга ўхшаб берганим,  
Жаннатни пойимга тўшаб берганим.  
Тиллари бийроним, эй митти жоним,  
Сен Ҳумо қушимни ушлаб берганим.

Чин бўлсин Тангрига етгани нолам,  
Сенинг билан гўзал, беташвиш олам.  
Яшнаб умрим беза, кўксим тоғ этиб;  
Жоним куртагидан очилган лолам,  
Болам!

## ОНАМДАН СЎРА

Ҳаммадан ҳам чиройлиман мен,  
Ҳаммадан ҳам яхшиман ўзим.  
Кипригимга ғаш бўлар майса,  
Юлдузларга ўхшайди кўзим.

Сойлар соchlаримнинг синглиси,  
Қошларимга ўхшайди ҳилол.  
Гўзалларнинг гўзали дея,  
Айтаверинг мени bemалол.

Ҳаммадан ҳам чиройлиман мен,  
Кўзингни оч каттароқ, қара.  
Ҳаммадан ҳам яхшиман ўзим,  
Ишонмасант онамдан сўра!

## ВАТАН

Онамсан, дегани онамдан уялдим,  
Отамсан, дегани қўрқдим отамдан,  
Мени сени ҳеч кимга ўхшатолмадим,  
Сен менинг ўзимга ўхшайсан, Ватан.

Алпомишларингни орзу қилмайман,  
Уялиб кетаман Барчин опамдан.  
Маккор париларни жиним сўймайди.  
Гўрўели оғамдан ёмон хафаман.

Богинг мақтай десам мақтовга лим-лим,  
Тоғинг мақтай десам мақтовга тўла.  
Юз минглаб мақтовлар дармон бўлмаган,  
Мен дардли дилинг деб ўлай бир йўла.

Худонинг муборак омонатини  
Жойлаган бўғзимга ўхшайсан, Ватан.  
Мен сени ҳеч кимга ўхшатолмадим,  
Сен менинг ўзимга ўхшайсан, Ватан.

## ҚЎЛҚОПИМ

Мана менинг қўлқопим,  
Ўн бармоқقا ўн қопим.  
Тўқилгандир мустаҳкам,  
Жимжимадор гули ҳам.

Байрамга совға қилиб,  
Қўлимга лойиқ билиб,

Ўўлим бўлсин шод-хуррам  
Деб келтирилар дадам.

Қўлқопим кийиб олиб,  
У ён, бу ён ўтаман.  
Ўртоғимга мақтаниб,  
Энди қорни кутаман.

## НИМЖОН БОЛА, СОҒЛОМ БОЛА

Қовоғи солиқ,  
Ранглари олиқ  
Нимжон боланинг.

Лаблари гунча,  
Яноғи қулча  
Соғлом боланинг.

Юзи тиришган,  
Лаби буришган  
Нимжон боланинг.

Ўртоқлари кўп,  
Тили «лаббай, хўп!»  
Соғлом боланинг.

Ўзи қизғанчиқ,  
Кўнгли ҳам инжиқ  
Нимжон боланинг.

Олгани дуо,  
Баҳоси аъло  
Соғлом боланинг.

Берайлик ёрдам.  
Бўлсингилар барлам  
Нимжон болалар!

Кўпайсии юртда,  
Кийик, бургутдай  
Соғлом болалар!

\*\*\*

*Она кўнгли болада  
Бола кўнгли далада.*

Халқ мақоли

Она кўнгли болада,  
Бола кўнгли қайдадир.  
Боладай гўр бу кўнгил  
Кечмишларин айтадир.  
Меҳрингдан бошқа туйғу  
Чаканадир, майдадир.  
Ватан леб англаганим  
Ўзингмасми, онажон?!

Зангори-ю бепоён  
Даласидан зериқдим,  
Кучай десам бағри қон  
Лоласидан зериқдим.  
Майсанинг бошин эккан  
Жаласидан зериқдим,  
Шудринглардан бегубор  
Қўзингмасми, онажон?!

Мұхаббатим, күйимни  
Ноламга бериб қўйдим,

Жилвасига учдимми,  
Оlamга бериб қўйдим.  
Кўнглим ҳам ўзимдамас,  
Боламга бериб қўйдим,  
Қуёшдан нурлирогим  
Юзингмасми, онажон?!

Кенгликларнинг ишқини  
Кўнглимдан отгим келди,  
Тиззангга бошим қўйиб,  
Кўзингга ботгим келди.  
Авлиёлай дунёни  
Бир пулга сотгим келди.  
Дуолардай сеҳри бор  
Сўзингмасми, онажон?!  
Ватан деб англаганим  
Ўзингмасми, онажон!

## ВАТАН НИМА?

Ёз келди қандай маза!  
Анҳорда чўмиламан.  
Чўмилиб бўлиб роса,  
Қумларга кўмиламан.

Ариқларга қоғоздан  
Ясаб оқиздим кема,  
Кўприкка ётиб олиб  
Англадим: Ватан нима?

## ЭЪЗОЗ

Онасин эъзозлаган  
Икки дунёси обод.  
Боласин эъзозлаган  
Келажак этар бунёд.

Эъзозла дўст неки бор  
Гўзалликка доирни,  
Эъзозласанг шоирни  
Кўнгил обод бўлади.

## ОЛГИРЛИК ҲАҚИДА ШЕЪР

Тўппонча отилди,  
Тепки босилди,  
Бир ўқ билан икки қуёнча ўлди.  
Шундай қудратлими улдабуронлик –  
Шундай омадлими-  
Ёки фирромлик!  
Бироз ўйга толиб хайрият, дейман,  
Хайрият, ёвузлик кутмаганлар кўп.  
Умрида тўппонча тутмаганлар кўп.  
Дунёни олғирлар босса шу тобда,  
Қуёнлар кираарди “Қизил китобга”.

## ИЛТИЖО

Кўнглимга гард берма, Худойим,  
Дўстимга панд берма, Худойим  
Умр бергин ота-онамга,  
Боламга дард берма, Худойим.

Ҳар не берсанг пок бер, тоза бер,  
Қувонч берсанг мұл бер, роса бер.  
Акамга бер тоғлар қаддини,  
Синглим учун гул андоза бер.

Ошиқ қалбнинг нилоси менда,  
Ҳар мазлумнинг дуоси менда.  
Ўзинг қодир, меҳрибонимсан,  
Ҳар дуонинг бажоси сенда.

Күнглимга гарл берма, Худойим,  
Дўстимга панд берма, Худойим.  
Хавотирла сўрайвераман:  
Боламга дард берма, Худойим.

## СЕВГИЛИМ

Севгилим, кўзингла қуёш бор,  
Севгилим, кўзимда кўз ёши бор.  
Зирқираб оғрийди жон-жоним,  
Бу йўлга кирликми чидаш бор.

Севгилим, кўзингла осмон бор,  
Севгилим, кўнглимда гумон бор.  
Урмаса йўлдан леб қўрқаман,  
У дунё, бу дунё ёмон бор.

Севгилим, қўёнга айлангин,  
Нурингда силагин бошимни.  
Меҳриндан севиниб йигласам,  
Лабингла артиб қўй ёшимни.

Севгилим осмоним бўл ўзинг,  
Ва чексиз бағрингга бос мани.  
Ё қулим етмаса бўйнингга  
Орзулар дорига ос мани,  
Севгилим...

\*\*\*

Мен сени кўрганман нариги дунёда,  
Худо толеимни битаётган пайт.  
Аршнинг фариштаси лавҳига битди  
“Булар бир-бирига” деган сирли байт.

Тақдир учраштирди бизни ерда ҳам,  
Эсладинг манглайды таниш хатимдан.  
Сочларим илашли тугмаларингга,  
Кўнглингга ўт кетди муҳаббатимдан.

Бирга бўлолмасак бунда иккимиз,  
Ўксима, иймонинг бўлсин зиёда.  
Худонинг айтгани булар барибир,  
Мен сени кутаман нариги дунёда.

### КУЛИБ ТУРИБ...

Худо берди омонат жоним,  
Юрагимга ажиб нур солди.  
Бир бандаси боқди-ю, эвоҳ,  
Кулиб туриб жонимни олди.

Бир кун кўрдим онажонимнинг  
Маъюс кўзи хаёлга толди.  
Кўз ёшларин беркитиб онам,  
Кулиб туриб жонимни олди.

Кеча келиб ғаним дегани  
Кир қўлини бағримга солди.  
Туни ҳасад, гийбат билгани –  
Кулиб туриб жонимни олди.

Билмам эрта шайтон ё Раҳмон  
Қайси бири олар ёнимни.  
Мени йўқлаб келса Азроил  
Кулиб туриб берай жонимни.

\*\*\*

Шамол, қулоғимга ўқима Ёсин,  
Юзимни силама дераза парда.  
Кўзтикан, кўзимдан бўсалар олгин,  
Тилим, тийилиб тур тўкмай заҳардан.

Она, товонингни кўтарақол тез,  
Юрагим пойингга ташлайман, мана.  
Кетгунимча келма, опажоним куз,  
Кетсам ғанимларим қилас тантана.

Йиги, томогимга тиқилма бирпас,  
Севги, юрагимни тинч кўй бугундан.  
Мен доим кўзимдан олганман нафас,  
Жоним ҳам чиқади икки кўзимдан.

Сўрайвериб бугун гунг бўлди тилим,  
Айтганим кўп эди ўзингга, Худо!  
Мен сени миллион йил кутдим, севгилим,  
Келмадинг, кетяпман жоним. Алвидо!

## БИР КУНИ

Бир куни у шундай кун эрур,  
Дунёда бор шоир кўмсайди.  
Ўша кун мени дард ўллириб,  
Ишқинг оёғига кўмсайди.

Бир куни маҳшарнинг эртаси,  
Раҳмидан умидвор тураман.  
Ва бўлиб Оллоҳнинг эркаси,  
Жаннатда югуриб юраман.

Бир куни тўйимиз бўлади,  
Худойим меҳрибон ҳар ишида.  
Сен навкар ғилмонлар ичинда,  
Мени ясантиrap фаришта.

Бир куни ёнингга қайтаман.  
Минг йиллик армонлар ўлади.  
Танимай қоласан, ўшанда  
Елкамда қанотим бўлади...

\*\*\*

Мен унча чиройли эмасман,  
Қоматим гўзалмас, кўримсиз.  
Мен сизни севаман демасман,  
Нимага сиз мени севдингиз?

Юракда ишқингиз чўғмиди,  
Тақдирдан кўнглингиз тўқмиди,  
Дунёда бошқа қиз йўқмиди,  
Нимага сиз мени севдингиз?

Дил қасрин очмадим ҳеч кимга,  
Қароғим түлдилар ашкимга,  
Жонингиз чидарми рашкимга,  
Нимага сиз мени севдингиз?

Пинҳондир юракнинг овози,  
Овозим босарми тарози,  
Меҳрибон онангиз норози,  
Нимага сиз мени севдингиз?

## ФИЛОЛОГИК ШЕЪР

Севги сўзин таҳдил қилайлик,  
Жарангли, жарангсиз товушлар.  
Нега оддий шу сўз туфайли  
Яшаяпман юрак ҳовучлаб.

Севги сўзин мисол келтириб,  
Домла ўзгармади, кулмади.  
Уни мавҳум дели, йўқ деди,  
У қалбимда борку, билмади.

Севги баъзан «эга» бўлармиш,  
Тушунмадим негалигини.  
Домла билсин қаердан севги  
Доим қалбга эгалигини.

Хуллас, илғолмадим ҳеч сўзни,  
Халқлар борку ахир минг тилли.  
Бошқа экан домла айтган сўз,  
Менинг севгим бошқа шекилли.

## ДУГОНАМ НИГОРАГА

Севиб қолганингга миллион йил бўлди,  
Атиги икки йил талабаликка.  
Ширин хаёлингни, жоним, ким бўлди?  
Яна ўша ишқсиз “грамматика”

Хаёл, сендаи ширин олам бормиди,  
Сендан бирор мендай умидвормиди?  
Ишқ аҳли бир томон, сиз-чи бир томон  
Домла, бунда сизга нима бор эди?

- Нега тушунмайсиз фонетикани?  
- Кечирасиз, домла, узр, ҳалиги...  
Шу пайт деразадан мўралаб қочар,  
Севиб қолган телба талабалигинг.

Ё Оллоҳ десангү, қанот берса Ҳақ,  
Шарѓта деразага кўксингни урсанг.  
Дунёда энг қийин саволлан қочиб  
Хув чинор шохила ўзингни кўрсанг.  
Севиб қолганингта 1000000 йил бўлди...

\*\*\*

Кун қиёмга келиб толиқди,  
Болини қилди бир қоя-тошни.  
Мана неча мингинчи марта,  
Қилич кесди эгилган бошини.

Ғимирлайди ўзича дунё  
Ҳайратларда тош қотди қоя.  
Кун қонига бўялди само,  
Ва БҮГУН ҳам тонди ниҳоя.

## ЭРТАЮ КЕЧ

Эрта-ю кеч хўрсинади соат чиқ-чиқ  
Сочларимдан тортқилайди шамол гир-гир.  
Юрагимни бўшатиб қўй, ҳасрат, чиқ, чиқ  
Пешонамнинг шўрларини ювгин ёмгир.

Бу кўчалар жаллодларнинг лой кўчаси,  
Соғинганим, изи тушмас бераҳмнинг.  
Осмон қизил юлдузларга бой кечаси,  
Кел, дардингга алишамиз юрагимни.

Юксакларга учолмайди ҳаккалари,  
Келар бўлсанг бошим узра само яқин.  
Чўчима ҳеч қолдик дея яккаланиб,  
Ҳамма йироқ, бизга фақат Худо яқин.

Эрта-ю кеч хўрсинади соат чиқ-чиқ,  
Борим қийин, кутиб яшаш ундан оғир.  
Кўрмай ўлсам, кетар ахир кўзим очиқ,  
Пешонамнинг шўрларини ювмас ёмгир.

## ҚЎШИҚ

Юзингизда кун бор экан,  
Сочингизда тун бор экан,  
Ширин ларддир ишқ-муҳаббат,  
То дилимла ул бор экан.  
Сизни севдим, Сизни севдим.

Номеҳрибон, жаллодгинам,  
Беташвишу бедардгинам.  
Бизларга ҳам қиё боқсин,  
Боқса дилим ободгина,  
Сизни севдим, Сизни севдим.

Париларга сингилмисиз,  
Жаннатдан тушган гулмисиз,  
Азобингиз олар жонни,  
Шунчалар тош күнгилмисиз?  
Сизни севдим, Сизни севдим.

Лутфу карам кам бўлса ҳам,  
Сиз деб кўзим нам бўлса ҳам,  
Тунлари ой ҳасратдошим,  
Ва сирлошим шам бўлса ҳам,  
Сизни севдим, Сизни севдим.

## ЖИГАРЛАРИМ

Азал-азал ширин сўзнинг зори жонинг,  
Ширин сўзлаб эритади ёри-жонинг.  
Хатто бўлак бўлар экан боланг меҳри,  
Жигарингга тортиб турар бори жонинг.

Согинганда кўзда ёшинг доим тайёр,  
Тўқмоқликка қаравади баъзан ғаним.  
Кўзларимдан дийдорингиз ўтиб турар,  
Согинганим отам маним, онам маним.

Жигарим, деб йўқласангиз кўнгил ўсар,  
Лек согинчдан ўзга сийлар давлатим йўқ.  
Дунёда энг чиройли қиз менинг синглим,  
Ака, сиздан ўтадиган савлатим йўқ.

Дусту ёрга берган элим юрагимни,  
Ҳасратила толдириллар курагимни,  
Менинг учун ҳеч ким сиздек қуймас экан,  
Ҳеч ким тутмас гар тойилсан билагимни.

Она, менинг орзумнинг охири йўқ,  
Ота, менинг хоҳишлиарим ҳали бисёр.  
Она, сизнинг кўзингизда недан қайғу?  
Ота, сизнинг кўнглингизда не армон бор?

Мен золимман. Икки чанқоқ дараҳтимга,  
Меҳр деган булоқдан сув тутмай ўтдим.  
Яна кимман, гўдагим бир қувонсин леб,  
Ҳавас дўконидан навбат кутмай ўтдим.

\*\*\*

Битта жойда кўкарап дараҳт,  
Шамолларнинг йўлини тўсаман.  
Лекин илдизимга қурт солиб  
Сув бермасанг қандай ўсаман.

Куртагим кўп ҳали зангори,  
Мен ҳаётга ошиқман жуда.  
Яшашимга ҳалал бермасанг,  
Унмогим ҳам бўлар авжидা.

Ҳатто соя пайдо қилмасам,  
Бесамар кун, кўнгил тўлмайди.  
Дараҳтликни сенга бераман,  
Бу аҳволда яшаб бўлмайди.

Юрган дарё деди дониш эл,  
Бу ҳикматин тез англаб етдим.  
Эзгуликка тўлдириб дилни,  
Дарё бўлдим  
Хайр. Мен кетдим.

\*\*\*

Ҳаёт ташвишлари худди доридек,  
Таъмин аччиғидан нолиб кетаман.  
Ичсанг улғаясан, агар ичмасант  
Кўримсизлигингча қолиб кетасан.

Улғайиш кўнгилга багишилар ҳузур,  
Таъсирини сезмай учаверибман.  
Ҳар гал учганимда отам дарди зўр  
Онам чиройидан кечаверибман.

### МЕНГЗАШ

Отам – менга елка тутган ер,  
Онам – менга бўй берган осмон.  
Иккисидан кўнгил узолмай,  
Аросатда айландим нолон.

Муҳаббатим – ширин эртагим,  
Изтироблар – ошиғим орсиз.  
Оппоқ булатларнинг ёнида,  
Хаёлларим, яхшиям борсиз.

Турна – онам, қалдирғоч – синглим,  
Олисларга турмушга чиққан.  
Дилим тўла соғинларингга  
Кўзим дийдорингга ичиккан.

Нур элади кўқдаги Нонвой,  
Ҳисларимни белайверади.  
Дардлар...  
Дардлар қариндошим ҳойнаҳой,  
Айтмасам ҳам келаверади.

\*\*\*

Ақалли яратмай чивинни,  
Қай нокас олимлик талашгай.  
«Бұл» дейди осонми, қийинми,  
Қодирлик Ўзига ярашгай.

Бекиес гуллар күп чаманда,  
Мағтункор гүшалар ватанда.  
Лекин ўн саккыз минг оламда,  
Нодирлик Ўзига ярашгай.

Тангримо, жабрингдан құрқаман,  
Ул кунги ажримдан құрқаман.  
Бизларга заррадан тарқаган  
Ботирлик Ўзига ярашгай.  
Қодирлик Ўзига ярашгай.

\*\*\*

Деразани очинг,  
Эшикни очинг,  
Куллонга бостириңг тутаган ғамни.  
Ёзниң шаббодаси сизни йүқлайди  
Ва кириб келади яйратиб танни.

Феъли-атворимни яхши биласиз,  
Мен унча-мунчага пастга тушмайман.  
Чексиз хаёлларим, ғууриим билан  
Гүс қүшдайман.

Араз күчасидан ўтиб борардим,  
Гарчанд товонларим тилинаверди.  
Қайтмаган бўларлим ўзимга қолса,  
Софинчингиз бориб ялинаверди.

Деразани очинг,  
Очинг эшикни,  
Ёзнинг шаббодаси мисоли елдим.  
Уйдаги бор ҳар бир тирқиш-тешикнинг  
Чангу губорини учирдим,  
Келдим.

## КУЗ

Неъматларнинг энг анвойиси,  
Ким кимни кутибди шунчалар.  
Айтмоқчидай энг гўзал изҳор  
Оғиз жуфтлаб турар ғунчалар.

Илтифотнинг йўқ чегараси,  
Сўзлар тегмай лабига лаби.  
Хаёт караҳт мулозаматдан  
Ким сийлабди уни Куз каби.

## ТҮРТЛИКЛАР

Худо, ишларингга қойиллигим бор,  
Билмам яна қанча ой-йиллигим бор,  
Жаннатингга киргим келади, аммо,  
Гуноҳ ишларингга мойиллигим бор.

\*\*\*

Севги, сароблигинг ҳаммага маълум,  
Ишқнинг шароблиги ҳаммага маълум,  
Ичсангу ичмасанг ҳар бир қадаминг,  
Ҳисоб-китоблиги ҳаммага маълум.

\*\*\*

Дилим дардга суюк бўлди,  
Дард чўғидан куюк бўлди.  
Кўнгилни ишққа тўлдирдим,  
Буюк бўлди, буюк бўлди.

\*\*\*

Билиб-билмай хато қилсам,  
Сўнгги пушмоннинг вақти кеч.  
Лек Худойим раҳм қилса,  
Мингта ёмоннинг қаҳри ҳеч.

\*\*\*

Бахтлисан –  
Гар бўлса гулдайин қизинг,  
Ва яна келишган ўғлонинг бўлса,  
Умрида қафасни билмаган сўзинг,  
Уйингда бир сандиқ имконинг бўлса.

## МУНДАРИЖА

Нон.....	3
Болам.....	4
Онамдан.....	4
Ватан.....	5
Құлқопим.....	5
Нимжон бола, соғлом бола.....	6
Она күнгли болада.....	7
Ватан нима?.....	8
Эъзоз.....	9
Олғирлик ҳақида шеър.....	9
Илтижо.....	9
Севгилим.....	10
Нариги дунёда.....	11
Кулиб туриб.....	11
Шамол.....	12
Бир куни.....	13
«Нимага сиз мени севдингиз?».....	13
Филологик шеър.....	14
Дугонам Ниторага.....	15
«Кун қиёмга келиб толиқди».....	15
Эртаю кеч.....	16
Құшиқ.....	16
Жигарларим.....	17
«Биттә жойда күкарап дараҳт».....	18
«Ҳаёт ташвишлари худди доридек».....	19
Менгзаш.....	19
«Ақалли яратмай чивинни».....	20
«Деразани очинг».....	20
Куз.....	21
Тұртликлар.....	22

Маҳфузә Йўлдошева

КЎЗИНГДА ҚУЁШ БОР

Шеърлар

Муҳаррир: Дилором

Бадиий муҳаррир: Нозимжон Жабборов

Мусаххих: Маҳмуда Қодирова

10.10.2008 й.да теришга берилди. 4.12.2008 й.да бошигга рухсат этилди. Офсет усули. Оқ қофоз. Бичими 60x84. 1-24. Ҳажми 1,5 босма табоқ. Адади 400 нусха. Буюртма-2088. Баҳоси келишилган нархда.

«Фарғона» нашриёти.

*Фарғона шаҳри, соҳибқирон Темур кӯчаси, 28-уй.*

«Ибрат номли босмахона» ОАЖ  
(Наманган, Навоий, 36.) да чоп этилди.